

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Даминов Ботир Турғунпулатович — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ерназарова Умитгул Куньязовна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали санавиация бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзаалходжаева Миссар Джумабаевна — Қуйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам шохобчаси катта фельдшери, Тошкент вилояти

Салоҳиддинов Зухриддин — Андижон давлат тиббиёт институтининг 1-умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси мудири, Андижон вилояти

Саримсаков Хомитжон Аҳмедович — Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Фарғона вилояти

Сулейманова Дилора — Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг анемия маркази мудири

Умарова Хайитгул Рузиевна — Қамачи тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Қашқадарё вилояти

Хайритдинова Мавжудахон Ҳамзаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Халилова Замира Абдуганиевна — Олмасор туманидаги 14-оилавий поликлиникаси бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Мамадумарова Ширмонхон Якубжановна — Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг турғуқ бўлими неонатологи, Наманган вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдураимова Манзура Кувандиковна — Боёвут тумани тиббиёт бирлашмасининг 2-қিশлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Сирдарё вилояти

Гафаров Бобожон Гафарович — Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими мудири, Навоий вилояти

Давлетова Дилорам Ринатовна — Тошкент шаҳри 5-болалар клиник шифохонаси бош шифокори

Дзугаева Людмила Руслановна — Хоразм вилояти Болалар уйи бош шифокори

Ешмуратова Замира Джалаловна — Кўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг турғуқ бўлими ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Абдулазиз Абдухалимович — Андижон шаҳридаги «VISUS» масъулияти чекланган жамияти офтальмолог-жарроҳи, Андижон вилояти

Ким Клара — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали шошилинч педиатрия бўлими мудири, Фарғона вилояти

Косимова Сайёра Ганиевна — Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Жиззах вилояти

Мўминов Аскар Убайдуллаевич — Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бош шифокори

Пулатова Шахноз Садуллаевна — 1-Республика клиник шифохонасининг реабилитация-неврология бўлими мудири

Расулова Саодат Чоршанбиевна — Ургут туманидаги «Мурувват» ногиронлар учун интернат уйи кичик тиббий ходими, Самарқанд вилояти

Рўзикулов Шухрат Холматович — Термиз шаҳри юкумли касаликлар шифохонасининг реанимация бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Сафарова Гулнора Қохоровна — Когон шаҳри тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими педиатри, Бўхоро вилояти

Султонсаидова Мухарам — Окқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлгининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

Усманова Мухтарам Баратовна — Нишон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Ходжанов Искандар Юнусович — Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар травматологияси бўлими мудири

«Дўстлик» ордени билан

Азизов Исматджан Казимович — Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат марказининг Гиёҳванд воситаларини назорат қилиш қўмитаси раиси

Ақбаров Миршавкат Миралимович — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири

Аҳмедов Карабек Уралович — Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери, Сирдарё вилояти

Байманова Замира Атахановна — Гурлан тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Хоразм вилояти

Давлетова Жамила Жоллибаевна — Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлгининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримова Эзазхон Эгамбердиевна — Марҳамат туманидаги 33-қишлоқ оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Андижон вилояти

Отепова Бахтигул Жусиповна — Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Учқудуқ тумани бўлинмаси ижрочи директори, Навоий вилояти

Пушкарева Ольга Викторовна — У. Қ. Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий асаб касалхонаси бўлим бошлиғи

Расулов Отабек Адилович — Сурхондарё вилояти перинатал маркази директори

Сайидов Тўрақул Жўрақулович — Пешку туманидаги «TJS-MED» масъулияти чекланган жамияти бош шифокори, Бўхоро вилояти

Фетиев Эдем Решатович — Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими педиатри, Наманган вилояти

Филиппова Марина Николаевна — Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмаси катта ҳамшираси, Самарқанд вилояти

Ширгазина Раиса Ҳакимовна — Фарғона вилояти 2-сил касалликларига қарши курашиш диспансери физиатри

Якубова Мамура Махаматовна — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи ҳамшираси

«Шухрат» медали билан

Абдурахманова Джамиля Тулкунова — Янгийўл шаҳридаги «Рустамбек ният» хусусий қорхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

Азизов Маматкул Курбанович — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Аминжонова Гулшодхон Низомовна — Сўх тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Артикова Саидахон Саъдуллаевна — Андижон вилояти юкумли касалликлар шифохонаси катта ҳамшираси

Бахронов Асқар Солиевич — Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Бўхоро вилояти

Давлатов Азамат Иброймович — Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР, ҲОМИЛАДОРЛАР ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

хомиладор аёллар ва болалар учун ихтисослаштирилган юқори технология тиббий хизмат кўрсатидаган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг биноларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва янгиларини қуриш;

ногиронлиги бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

замонавий талабларга жавоб бера оладиган ва илгор технологияларни эгаллаган юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар ҳамда болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилаш;

соғлом фарзандларнинг туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш.

2. 2019 — 2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида **Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш) 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

4. **Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг ҳар бир вилоятда, туманда (шаҳарда) амалга оширилишини ҳамда масъуллар томонидан аниқланган сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

аҳоли, энг аввало, ёшлар орасида тиббиёт ва таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, ўстирлар, айниқса, ўсимир қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг тарбибот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизими муассасалари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, ушбу йўналишда тегишли вазирлик ва идораларнинг ишини мувофиқлаштириш, оналар ва болалар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш бўйича таъсирчан механизмларни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш.

Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

Кенгаш вазифаларини амалга оширишда тегишли вазирлик ва идоралар унга ваколатлари доирасида ҳар томонлама кўмак берадилар ҳамда сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар;

Кенгашнинг ишчи органи аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг ижроси бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифлар киритиб боради.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Оронбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасининг молиявий қўмагида амалга оширилиши белгиланган **Қорақалпоғистон Республикасида хомиладор аёллар ва гўдакларга кўрсатилаётган перинатал ёрдам сифати ва оммабоблигини ошириш**

лойихаси (кейинги ўринларда — Лойиха) 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Лойиха доирасида: кириб келаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникага нисбатан уларни давлат реестрига киритмасдан ва ўрнатилган йиғимларни ундирмаган ҳолда бир мар- талик давлат рўйхатига олиниши ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатга олиш натижаларининг тан олиниши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ЮНИСЕФ ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналарига Лойихани ўз вақтида сифатли амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиши ва бунинг учун зарур ташкилий-амалий чоралар қуриши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар **вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аёллар ва гўдакларга кўрсатилаётган перинатал ёрдам тизимини чуқур таҳлил қилиб, унинг сифати ва оммабоблигини ошириш бўйича ҳудудий лойихаларни** (кейинги ўринларда — ҳудудий лойихалар) ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки: **ҳудудий лойихаларни амалга оширишдан асосий мақсад перинатал ёрдам сифатини ошириш** ва тиббиёт муассасалари инфратузилмаси, уларнинг тиббий ускуналар билан жиҳозланганлик ва кадрлар билан таъминланганлик даражасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тавсия қилинган стандартларга мувофиқлаштириш ҳисобланади;

ҳудудий лойихалар ҳар бир ҳудуднинг индивидуал хусусиятлари, шу жумладан, унинг географик жойлашуви аҳоли соғлиғига таъсири, оналар ва болалар касалланиши ҳамда ўлими даражаси, тиббиёт муассасаларининг жиҳозланганлиги, кадрлар салоҳияти ва аҳолининг тиббий саводхонлигини **инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилди.**

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда ҳудудий лойихалар доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини хорижий мамлакатлар, халқаро молиявий ташкилотлар имтиёзли кредитлари ва грантлари ҳамда бюджетдан ташқари бошқа маблағлари жалб қилган ҳолда тиббиёт, шу жумладан, юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг **қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:**

Республика ихтисослаштирилган болалар хирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Болалар хирургияси маркази);

Республика болалар тиббий реабилитация маркази (кейинги ўринларда — Реабилитация маркази);

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази хузурида **Ёрдамчи репродуктив технологиялар маркази**; туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида, **болалар анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлимлари** ҳамда бемор болаларга туну кун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи навбатчи шифокор постлари.

9. Белгилансинки:

Болалар хирургияси маркази Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази, Республика перинатал маркази қошидаги неонатал хирургия ўқув даволаш методик маркази, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар 2-сон болалар клиник шифохонасининг мавжуд ўринлар фонди ва штат бирикларини оптималлаштириш ҳисобига Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳудудида давлат тиббиёт муассасаси шаклида;

Даминова Гулнора Ашуралиевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг терапия бўлими участка терапевти, Навоий вилояти

Досматова Раножон Жумабаевна — Косонсой тумани тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлими ҳамшираси, Наманган вилояти

Каримова Гулсара Райимовна — Яккабоғ туманидаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар учун интернат уйи катта ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Каримова Нигора Ҳабибуллаевна — Тошкент шаҳри 1-болалар клиник шифохонасининг анестезиология ва реанимация бўлими ҳамшираси

Кулдашев Абдунаб Ибадуллаевич — Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Мирсагатова Клара Карабаевна — Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси неврология бўлими катта ҳамшираси

Мухитдинова Ёкутхон Нуридиновна — Наманган вилояти болалар силга қарши курашиш санаторийси ҳамшираси

Сабуров Гайратдин Тольбаевич — Нукус тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳайитов Янгибой Чоревич — Қашқадарё вилояти ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази шифокори

Ҳамрақулова Зулмурон Ўразовна — Зомин туманидаги «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйи бош ҳамшираси, Жиззах вилояти

Юлдаходжаева Мархамат Мингаевна — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Олмаиқ шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

Ярбеков Рустам Раимкулович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 8 ноябрь	

алмашинуви дастурини доимий юритиш шарти билан **хусусий тиббиёт муассасаларига рухсат этилади.**

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар соғлиқни сақлаш ва ФХДЭ органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастурини (кейинги ўринларда — Электрон маълумотлар алмашинуви дастури) қуйидагиларни инобатга олган ҳолда тақомиллаштирсин:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тавсия қилинган ҳисобот шаклларини реал вақт режимида юритиш;

Электрон маълумотлар алмашинуви дастурига хусусий тиббиёт муассасаларининг улашини ҳамда уни соғлиқни сақлаш комплекс ахборот тизимига интеграция қилиш учун зарур шароитлар яратиш.

15. Белгилансинки, Электрон маълумотлар алмашинуви дастури 2020 йил 1 июлдан бошлаб мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қайта назар, **барча турғуқни қабул қилиш муассасаларида юритилиши мажбурий ҳисобланади.**

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: 2020 йил 1 февралга қадар Реабилитация маркази ва Ёрдамчи репродуктив технологиялар марказининг низоми ва таркибий тузилмасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; уч ой мuddатда хусусий тиббиёт муассасалари томонидан турғуқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланиш учун алоҳида лицензия талаблари, шу жумладан, Электрон маълумотлар алмашинуви дастурини юритиш шартларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар далилларга асосланган тиббиётга мувофиқ замонавий даволаш-диагностика хизматлари бўйича услуб ва технологияларни киритган ҳолда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид клиник протоколларни, диагностика ва касалликларни даволаш стандартларини қайта кўриб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар бир-милчи тиббий-санитария ёрдами хизмати тизимида мавжуд умумий амалиёт шифокор

Волонтерлик фаолияти тўғрисидаги қонун:

Кўнгиллилик амалиётининг ҳуқуқий кафолати

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисида “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган. Бинобарин, бу вазифа давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 майда имзоланган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, ҳуқуқ ва мажбурияти бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ақс этирилмаган.

Кейинги даврдаги ҳужжатлар ҳақида фикр юритганда, бу атама Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Харакатлар стратегиясида ҳамда 2019 йил 9 январдаги Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида қайд этилганини таъкидлаш лозим.

Иккинчи сабаб. Волонтерлик мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланганлиги даражасини кўрсатувчи индикатордир.

Бугунги кунда юртимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштириш борасида кенг қўлмалли ишлар олиб боришмоқда. Кучли ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг муҳим шартларидан бири муқталик нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини барча соҳада ривожлантириш боришидир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва ННТ фаолиятини ҳимоя қилиш ҳамда “учинчи сектор”ни эркин ва изчил ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Айтиб ўтилганидек, жадал ривожланаётган волонтерлик фаолияти мустақам қонунчилик базасига эга эмас. Шу боис бу қонуннинг қабул қилиниши волонтерлар фаолияти янада ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчи сабаб. Волонтерлик ҳаракати ҳозирги даврда турли миллий ва халқаро тадбирларни ўтказишдаги фаоллиги билан кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, турли хайрия тадбирлари ва акциялар, халқаро анжуман ва спорт мусобақалари, сайлов жараёнида кўнгиллилар фаол иштирок этипти. Мазкур тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда кўпгина ҳолатларда волонтерлик хизматида самарали фойдаланилмоқда.

Тўртинчи сабаб. Таҳлилларга кўра, 1,5 миллион нафардан ортиқ кишилар қамраб олинди. Маҳалларда жамоатчилик асосида кутубхоналар ташкил этиш бора-бора ташаббус кенг ёйилгани бу йўналишдаги ишларнинг аълоси бўлди. Аниқ айтилган бўлса, бугунги кунда республикамиздаги фуқаролар йиғинлари бинолари 8637 та кутубхона ташкил этилган. Шунлардан 2133 таси алоҳида хоналарда фаолият олиб боради. Бу кутубхоналардаги китоблар сони 10 миллиондан иборат. Китоб фонднинг бир қисми “Маҳалла” фонди ва ҳомийлар маблағи, фидойий юрдошларимиз кўмағида шакллантирилди.

Эътиборлиси, фуқаролар йиғинларидаги мазкур зиё мақсадлари Алишер Навоий жомиди Ўзбекистон Миллий кутубхонасига онлайн аъзо бўлиши. Шайхонтоҳур туманидаги Кўкча дарвоза маҳалласи кутубхонасида “Энг қизиқarli китобларни ўқиш навбати”, “10 китоб ўқиган китобхон” ҳаракати йўлга қўйилиб, бу тажриба бошқа жойлар бирорта ҳам кўнгилисиз ҳодиса ёхуд жиноят содир этилмади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳалла кутубхоналарида махсус штат йўқ. Бу кутубхоначилар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради, деганидир.

Жиноятдан холи ҳудудлар

Ҳар бир мамлакатда жиноий ишлар шу давлат ва халқ табиатидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Сўнги икки йилда:

- 1 265 та фуқаролар йиғини хизмат бинолари таъмирланди,
447 таси реконструкция қилинди,
394 таси намунавий лойиҳалар асосида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳудудий дастурларга биноан:

- 309 та маҳалла биноси таъмирланди,
89 таси реконструкция қилинди,
146 та янги бино қурилди.

да ҳам катта қизиқиш уйғотишти. Шунингдек, мазкур маҳаллада ҳар бир оиланинг шахарасини ташкил этиш ташаббуси ҳам кенг қанот ёзмоқда. Шахарани тузиш асосида одамларнинг бир-бирлари билан яқинлик муносабатлари кучайиб, чўқуроқ изланса, маҳалладаги деярли барча инсон ўзаро қон-қариндош эканлиги ойдинлашади, оилавий ажримлар, мулк талашуви ва бошқа низолар ўз-ўзидан барҳам ҳақида ҳамда шу туфайли ҳам бу маҳаллада бир йил мобайнида

Бизнинг миллий менталитетимизга кўра, кучли меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорликка эришиш омили ҳар қандай муаммо ва ноҳушликка барҳам бериш кудратига эга. Юртимизда қайси маҳаллада аҳиллик ва тотувлик руҳи кучли бўлса, айнан шу жойда бундай ноҳуш ҳолатлар кузатилмайди. Наманган шаҳридаги Орзу ҳамда Паркент туманидаги Марказий маҳаллаларида синов-дан ўтган “Ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик тизими” барча маҳаллаларга татбиқ этилаётганининг

волонтерлик институти кенг имкониятга эга бўлиб, бундан юртимизни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Мисол учун, волонтерлар ўз фаолияти давомида қатор муҳим ижтимоий хизматларни кўрсатади, маълум товарларни ишлаб чиқаради, ўз манбалари ҳисобидан жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини қаноатлантиради, давлат органларининг айрим вазифаларини

Олтинчи сабаб. Волонтерлик фаолияти кўп асрлик тарихга эга бўлиб, халқимиз онгу тафаккури ва менталитетига чуқур сингиб кетган. Хусусан, хашар жамоавий кўнгиллилик фаолиятининг кенг тарқалган кўринишларидан биридир. Шунингдек, айрим ижтимоий тадқиқотлар натижаларига қараганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда қариб 90 фоиз ННТ ўз фаолиятини амалга

Бу гуруҳ хайрия тадбирлари, акциялари ҳамда ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро маълумотлар алмашади. Улар йўқолган кишиларни тозлаш, худудларни чиқиндилардан тозлаш, эгасиз ҳайвонларни ҳимоя қилиш, эҳтиёжмандларга дори-дармон сотиб олиш ва киммат тиббий операцияларни бажариш учун маблағ йиғиш ва бошқа шу каби бегараз ёрдам тадбирларини амалга оширмоқда.

Шу тариқа мамлакатимизда шундай ҳолат юзага келдики, миллий қонунчиликда волонтерлик фаолияти билан боғлиқ “ҳуқуқий бўшлиқ” мавжуд бўлишига қарамай, ушбу йўналиш изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳада тегишли қонун ҳужжатлари мажмуи йўқлиги туфайли кўнгиллилар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ижтимоий ҳимояси, муносиб меҳнат шaroити кафолати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ННТ ва ОАВ билан ҳамкорлик механизмлари тўғрисидаги масалалар очиқ қолмоқда.

Қолаверса, қонунчиликдаги бу “оқ доғлар”, ўз навбатида, юртимиз ёшларини шу йўналишда давлат сиёсати ва миллий менталитетимизга мос келмайдиган кадрлар асосида “бирлаштириш”га интилувчи турли шахс ва ташки қулларга “кенг майдон” яратиб беришидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда 80 дан зиёд мамлакатларда йирик профессионал волонтерлик ташкилотлари мавжуд. Давлатлар томонидан катта ёрдам кўрсатилаётган туфайли волонтерлик сектори жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий қисмига айлиб бормоқда.

Англиянинг “Charities Aid Foundation” компанияси ҳар йили “Жаҳон хайрия рейтингини” эълон қилади. 2018 йили Ўзбекистон 145 давлат ичида 68-ўринни эгаллади. Мамлакатимиз 2016 йили волонтерлик ҳаракатининг ёйилиши бўйича 40-ўринда эди.

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган бу қонун мамлакатимизда волонтерлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишига қаратилгани билан аҳамият-лидир. Демакки, у бегараз ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишни кўнгилли равишда амалга оширувчи жисмоний шахслар фаолияти билан боғлиқ ижти-

мой муносабатларни қонунлаштиради. Қонунда волонтерлик фаолияти мақсад ва вазифалари, унинг асосий принциплари, йўналиш ҳамда шакллари, волонтерлик фаолиятини рўйхатга олиш реестри, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги ваколатлари, фуқаролар йиғинлари ва ННТнинг бу йўналишдаги иштироки, волонтерлик шартномаси ва унинг таркиби, бу фаолиятни рағбатлантириш чоралари, уни қўллаб-қувватлаш ва молиявий таъминлаш каби масалалар назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш асосида бир қанча хоржий давлатларнинг бу борадаги қонунчилик амалиёти атрафлича ўрганилди.

Жумладан, Францияда кўнгиллилар фаолиятида иштирок этишининг икки шакли — “Benevolat” ва “Volontariat” қабул қилинган.

“Benevoles” — эътироф этилган тижорат ёки нотижорат мақомга эга шахслар, масалан, волонтерлик ҳаракатидаги иштирокидан келиб чиқиб кўшимча ҳуқуқларга эга ёлланма ишчилар ёки талабалардан иборат.

Аммо волонтерлик фаолиятида иштирок этишининг бундай шакли аниқ ҳуқуқий мақомга эга эмас. Шунинг учун бундай волонтерлар бошқа кўшимча фаолият билан ҳам шугулланишлари мумкин.

“Volontaires” — волонтер сифатида ҳуқуқий мақоми тан олинган шахслар. Улар фақат волонтерлик фаолияти билан шугулланади. Ушбу иккала шакл ҳам Франция қонунлари билан тартибга солинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, волонтерлик тўғрисида алоҳида қонунлар Литва, Македония, Словакия, Сербия, Молдова, Украина, Россия, Қозғоғистон каби давлатларда қабул қилинган.

Парламент қўйи палатаси депутатлари ишлаб чиққан қонун билан Адлия вазирлиги томонидан волонтерлар фаолиятини рўйхатга олиш реестри жорий қилиниб, мунтазам янгилаб борилиши, “волонтерлик шартномаси” амалиётга жорий қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Мазкур қонун қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилди. У демократик ислохотлар натижадорлигини таъминлаш ва волонтерлар хизматида фойдаланишининг самарали механизмларини шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ақмол САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси.

МАҲАЛЛА

Ёшлар масаласи доимий эътиборда

Ёшлар масаласи доимо долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Жумладан, сўнги йиллар давомида вояга етмаганлар ва уюлмаган ёшлар билан ишлаш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Маҳалларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш механизмининг жорий этиш мақсадида Ёшлар иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан 103 нафар етим ёки ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этилиб, уларни тегишли муассасаларга жойлаштириш чоралари кўриaldi. Маҳаллаларда бўрули нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлардан иборат “Маҳалланинг кулфали” масъул гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам бу борада яхши самара берапти. Худудий кенгашлар, Ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашлари, Бандликка қўмақлашчи марказлари, фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида 148 нафар афё этилган ёш доимий иш билан таъминлангани бунинг яққол мисолидир.

Ҳар бир йиғиннинг ўз кутубхонаси бўлсин

Беш ташаббус доирасида юртимизда, жумладан, маҳаллаларда катта ҳажмдаги юмушлар бажарилаётганидан кўпчилик яхши хабардор. Шу боис аҳолининг китобхонлик даражасини ошириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ҳақида кенроқ тўхтамоқчимиз. Зеро, бу миллий ўзлигини англаш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида қамолга етказишда муҳим ўрин тутди.

Навқирон авлод вакиллари-нинг китобга қизиқишини оширишга бағишланган тадбирларга

ОДАМЛАР КЕЛИБ ФИКРИНИ, ТАКЛИФИНИ, ДАРДИНИ АЙТАДИГАН, МУАММОСИГА ЕЧИМ ТОПАДИГАН МАСКАНДИР

«МАҲАЛЛАДА БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА:

- 10 минг 300 дан зиёд касб-ҳунар ва ижодий тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, 420 минг нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.
546 та маҳаллада спорт майдончалари, сўнъий қопламали майдон ташкил қилинди.

биорта ҳам кўнгилисиз ҳодиса ёхуд жиноят содир этилмади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳалла кутубхоналарида махсус штат йўқ. Бу кутубхоначилар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради, деганидир.

Жиноятдан холи ҳудудлар

Ҳар бир мамлакатда жиноий ишлар шу давлат ва халқ табиатидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Сўнги икки йилда:

- 1 265 та фуқаролар йиғини хизмат бинолари таъмирланди,
447 таси реконструкция қилинди,
394 таси намунавий лойиҳалар асосида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳудудий дастурларга биноан:

- 309 та маҳалла биноси таъмирланди,
89 таси реконструкция қилинди,
146 та янги бино қурилди.

Бизнинг миллий менталитетимизга кўра, кучли меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорликка эришиш омили ҳар қандай муаммо ва ноҳушликка барҳам бериш кудратига эга. Юртимизда қайси маҳаллада аҳиллик ва тотувлик руҳи кучли бўлса, айнан шу жойда бундай ноҳуш ҳолатлар кузатилмайди. Наманган шаҳридаги Орзу ҳамда Паркент туманидаги Марказий маҳаллаларида синов-дан ўтган “Ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик тизими” барча маҳаллаларга татбиқ этилаётганининг



Носир ХАЙДАРОВ олдн сурат.

Ҳаётбахш дастурлар ижроси

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида 742 минг 38 та оилага жами 1 трлн. сўм миқдорда кредит ажратилди.

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида 3 971 бизнес лойиҳа учун жами 556,6 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари берилиди ва 22 минг 549 та иш ўрни яратилди.

3 мингдан ортиқ ёшларга асарличиликл, чорвачилик, хунармандчилик, балиқчилик, боғдорчилик, ишлаб чиқариш ва савдо шохобчаси ташкил этиш учун жами 2,5 минг гектар ер майдони ҳамда 239 та фойдаланилмай турган бўш бино ажратилди. Маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш тутган ҳолда, оилаларнинг тадбиркорлик ишлари учун ихтисослаштирилган миникластерлар тизими ҳам изчиллик билан йўлга қўйилмоқда.

Аҳоли бандлиги таъминланмоқда

“Маслаҳат марказлари” ва маҳалла фаоллари кўмағида худудларда 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди, 43 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Маблумот ўрнида айтиш керакки, жорий йилнинг

UZ домени аъзолари 71 мингдан ошди

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир давлатимиз раҳбарининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросига бағишланди.

Тадбир

Мазкур ҳужжатда вазирлик фаолиятининг устувор вазифалари белгилаб берилган. Унга кўра, ўтган давр мобайнида телекоммуникациялар йўналишида оператор ва провайдерлар томонидан амалга оширилган ишлар натижа-сида республика бўйича 786,0 минг портли кенг полсаали технологияларга асосланган ускуналар ўрнатилди. Эндиликда уларнинг жами сигими 1,871 млн. порта етди. Шунингдек, 9 000 км. оптик толали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлиги 35,6 минг км.га етказилди.

Мобил алоқа операторлари томонидан 1 605 та база станцияси ўрнатилди, шундан 132 таси “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги худудларга тўғри келади.

Ҳўжалик юртивчи субъектлар, телекоммуникация тармоқлари оператор ва провайдерлари томонидан 650 дан ортиқ Wi-Fi тармоғи орқали интернетга уланиш нуқталари ташкил этилди.

Шу билан бирга, республикамизда миллий UZ доменида рўйхатдан ўтган фаол доменлар сони 71 мингдан ошди. Бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан почта алоқасини янада ривожлантириш мақсадида 10 та янги кўшимча хизмат тури жорий этилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг 3-ташаббуси доирасида республика бўйича 18 та IT-тадбиркорлик ва рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил қилинди.

«Халқ сўзи».

«Сайлов — 2019»



«Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида ҳозир бўлиш, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакилларини Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказди».

СОҒЛОМ ИНСОН ВА СОҒЛОМ ХАЛҚ МИСЛСИЗ ИШЛАРГА ҚОДИР

Касалликларни даволашдан кўра, уларнинг олдини олган афзал, дейди халқимиз. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда профилактика тиббиётини ривожлантиришга эътибор тобора кучайди. Айни пайтда аҳолига бу йўналишда 1793 та амбулатория-поликлиника муассасаси, жумладан, 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 178 та шаҳар оилавий поликлиникаси хизмат кўрсатапти.

Тиббиётнинг бирламчи тизimini мақбуллаштириш ишлари натижасида 798 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ташкил қилиниб, уларда аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, тез тиббий ёрдам шохобчалари ва ижтимоий доиралар, энг муҳими, 5 та тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди. Тиббий патронаж хизмати замон талабидан келиб чиқиб тақомиллаштирилмоқда.

— Мен учун қўшалоқ шодидна, — дейди Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими неонатолога, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиббаси Ширмонхон Мамадумарова. — Нафақат касб байрамини нишонлаётган соҳа вакили, балки меҳнатни қадр топан инсон сифатида гоёмиз хурсандман. Юртимизда тизимни замон талаблари асосида ри-

вожлантириш билан бирга, шифокорлик касбининг жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан мамнунмиз. Президентимиз ташаббуси билан саломатлик посбонлари турли жамоат ишларига жалб этилишдан, ҳар хил ортқоча қоғозбозликлардан қутулди. Ойлик маошларимиз мунтазам ошиб бормоқда. Энди фақат ҳалол меҳнат қилишимиз, изланиб, билим ва малакамизни юксалтиришга интилишимиз керак. Шундагина биздан халқимиз рози бўлади.

Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган соҳа — шозилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан ўзгартириш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тез ёрдамнинг махсус санитар автотранспорт паркни янгиланяпти. Бугунги кунда тизимда икки ярим мингга яқин «Nissan», «Hyundai», «Toyota» русумли ва бошқа замонавий тез тиббий ёрдам машиналарида аҳолига хизмат кўрсатилаётди. Янги харид қилинган 281 реанимобиль 4,1 млн. АҚШ доллари миқдориди зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Шу йил якунига қадар тиббий асбоб-ускуналар, алоқа воситалари билан жиҳозланган «Ford» русумли яна 150 та реанимобиль олиб келинади.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам

кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада сўнгги уч йилда аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва инсульт, травматология, ортопедия ҳамда нейрохирургия каби қатор йўналишларда қўшимча тиббиёт марказлари фаолияти ташкил этилиши ҳисобига аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилган тиббиёт марказлари сони 16 тага етди. Худудларда 310 та ихтисослаштирилган бўлим, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали ташкил қилинди.

Ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган илгор инновация тиббий технологиялар юртимиз тиббиётда ҳам жорий этиляпти. Хусусан, академик В. Воҳидов номидида Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий марказида буйрак ва жигари кўчириб ўтказиш бўйича энг мураккаб операциялар муваффақиятли бажариб келинаётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Республика Гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институти олимпилари жаҳон тиббиётининг илгор йўналиши — ўзақ хужайра трансплантациясини ўзлаштириб, муваффақиятли йўлга қўйди. Кардиожаррохлик

соҳасидаги замонавий операциялар бугун нафақат пойтахтимизда, балки Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятлар даволаш муассасаларида ҳам муваффақиятли бажарилади.

Сўнгги йилларда хомилалар аёллар ва чақоқларнинг перинатал ҳамда неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда турма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш тизими йўлга қўйилди. Худудларда болалар даволаш муассасаларида аввал мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби кўплаб янги бўлимлар ташкил этилиб, уларда мураккаб амалиётлар ҳам ўтказилмоқда. Перинатал муассасаларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, мутахассислар малакасининг оширилиши натижасида энг кам вазили гўдақлар ҳам муваффақиятли парварош ва реабилитация қилиняпти. Бу ўзгаришлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва гўдақлар ўлимини кескин камайтиришга хизмат қилмоқда.

Юртимизда кейинги йилларда хусусий тиббиёт ривожини кенг имкониятлар яратилди. Натижада бугунги кунга келиб, мазкур йўналишда фаолият юритаётган шифохоналар сони 5300 дан ошди. Мамлакатимизда Россия, АҚШ, Германия,

Ҳиндистон, Туркия каби қатор хорижий давлатларнинг 100 дан ортиқ замонавий клиникалари ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар жараёнида тиббиёт таълим ривожига ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Ҳозирги кунда тиббиёт соҳаси учун 7 та олий ўқув юрти ва уларнинг 4 та филиалида малялака кадрлар тайёрланыпти. 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали очилиши, Фарғона филиалида қабулнинг тикланиши худудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтирди.

Тиббиёт илм-фани, тиббиёт-илмий марказларнинг хориждаги нуфузли муассасалари билан алоқалари ҳам жадал ривожланмоқда. Натижада мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юрти ва хориждаги нуфузли тиббиёт-илмий таълим муассасалари ҳамкорлигида 22 та халқаро факультет очилди.

Мутасарр айтганда, соҳадиги улкан ислохотлар халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ва бу жараён келгусида ҳам изчил давом этади.

Байрам санъат усталари концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. Абдуваҳитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Бугун— Халқаро ёшлар куни Инсон умрининг гўзал ва беғубор фасли

Бугун ёшларимиз жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ўқиб, билим ва тажрибаларини бойитмоқда, тенгқурлари билан дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Юртимизда ҳам хорижлик ёшларнинг таълим олиши, эмин-эркин яшаши учун кенг имкониятлар мавжуд. Ҳозирги кунда чет эллик юзлаб йигит-қизлар Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида, илм-фан марказларида ўқиб-ўрганиб, малака ва салоҳиятини оширяпти.

Халқаро ёшлар куни муносабати билан ана шундай ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Муродилла АЛИМБАЕВ,
Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон асоциацияси раиси:

Муҳаммад Ҳашим ИСМОИЛ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий тадқиқотчиси (Миср):



— Бугунги имкониятлар жуда катта. Ундан унумли фойдалана билиш лозим.

Ҳундан ташкил этилган асоциациямиз ҳам мамлакатимизда навақирон авлодга кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди. Мақсадимиз хориждаги ўзбекистонлик ёшларни дўстлик ва ҳамкорлик руҳида бирлаштиришдир. Бугунги кунда ташкилотимиз дунёнинг турли худудларида ўқиб-ўрганиб, илмий-таълим қизлар билан мулоқотлар олиб бормоқда, зарур ҳолларда уларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал этишга кўмак берапти. Келгусида хориждаги ёшларга ёрдам берадиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган турли кўланмалар, видео-роликлар тайёрлаб, етказиб беришни режалаштирганмиз.



— Ўзбекистонда бир неча йиллардан бунён бўлиб келган мамлакатимизда йигит-қизларнинг таълим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча имкониятлар бор. Уйил-қизларни ихтиёрий асосда бирлаштирувчи Ёшлар иттифоқи нодавлат ташкилоти фаолият юритмоқда. Хорижлик ёшлар учун ҳам барча қўлайлик яратилганидан мамнунмиз.

Ҳозирги кунда юртингизда араб тили таълими бўйича илмий изланишлар олиб борманган. Айнан Самарқанддаги олий ўқув даргоҳини танлашим ҳам бежиз эмас. Самарқанд — Шарқ гавҳари. Бу ердаги ёдгорликлар қадимий араб тилидаги биттиклар, кутубхоналаринингизда шу тилда ёзилган нодир китоблар бисёр. Уларни ўрганиш тараққиётда, дунё илм-фани ривожига муҳим ўрин тутувчи кўплаб сир-синоатларни юзага чиқариши мумкин.

«Халқ сўзи».

Бошқаларнинг наздида, қадимдан цивилизация маркази бўлган, бой маданий-илмий меросга эга давлатлар нисбатан тез ривожланади. Шундай бўлган тақдирда, айрим кичик-кичик давлатлар ҳали-бери жаҳон бозори «дарвозаси»га ҳам яқин келмаслиги керак эди. Худди шунингдек, уммон ва денгизлардан узоқ бўлиш ҳам тараққиётга дов бўлолмайдди. Гап бошқа жойда. Қаердаки, иқтисодий ислохотларнинг энг мақбул йўли танланиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тўғри йўлга қўйилса, ўша давлат ривожланади, табиийки, бой бўлади.

Бу йирик инвестор, Ўзбекистонга ишлаб чиқаришнинг кластер усулини олиб киришга интилаётган танкили тадбиркор Муртазо Раҳматовнинг мулоҳазалари эди. У Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган ислохотлар аниқланиётган Ўзбекистоннинг замонавий қўёғасини яратиш, иқтисодиёт тармоқлари ривожига катта имкониятлар эшигини очиб бераётганини таъкидлайди.

Тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатишга ўтган, йилга 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилиб, унинг 750 минг тоннаси экспорт қилинади. Биринчи босқич доирасида эса салкам 80 миллион доллар ўзлаштирилиб, «М-500» маркали цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Соҳа мутахассисларининг эътирофи этишича, бу корхонанинг афзалликлари кўп. Масалан, у Австрия, Германия, Италия, Россия ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги русумдаги технологик линиялар ва ресурстежамкор ускуналар билан жиҳозланган.

— Заводда цементнинг асосий таркибий хом ашёси бўлган клинкер куруқ усулда тайёрланади, — дейди корхона бош директори ўринбосари Дилшод Аҳмедов. — Яна бир эътиборли жиҳати, бунинг учун табиий газдан эмас, кўмирдан фойдаланамиз. Бу махсулот таннархи турдошлирига нисбатан анча арзон бўлади, деганидир.

Заводнинг 700 кишилик жамоаси на-

Яқинда давлатимиз раҳбарининг заводимизга ташириш чоғида Жарқўрғон нефть конларида геофизик қидирув, бурғиллаш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини тўлиқ қамраб оладиган кластерни ташкил этиш лойиҳамизни тақдим этдик. У Президентга маъқул келди. Энди бу ердаги нефть қазиб олиш, етказиб бериш ва қайта ишлаш қувватлари бирлаштирилиб, иш бир тизимда олиб борилади.

Тадбиркорнинг айтишича, Термиздан Душанбегача бўлган халқаро аҳамиятга эга йўл кластер усулида бунёд этилади. Айни мақсадда хориждан 50 нафар етук муҳандис-технолог жалб қилинади. Шу маънода, 1500 дан зиёд маҳаллий мутахассислар учун курилиш жараёни ҳам иш, ҳам тажриба майдонига айланади. Халқаро стандартлар асосида йўл куриш сир-синоатини пухта ўзлаштирган ўзимизнинг қорақўзлар эса яна минг-минглаб ишчиларга устозлик



Ишлаб чиқаришнинг инновацион усули

Ишлаб чиқаришнинг инновацион усули Халқни бой, Юртни фаровон қилади

Ўзбекистонда яшаш, бизнес юритиш трендга айланади

Дарҳақиқат, кейинги пайтда Ўзбекистон иқтисодиёти очилмоқда. Ислохотларни либераллаштириш, бизнес юритишни соддалаштириш, инвесторларга қўлай шарт-шароит яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар курилмоқда. Бу эса маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг эътиборини тортаётгани аниқ.

— Яқин истиқболда Ўзбекистонда яшаш, бизнес юритиш трендга айланади, — дейди сўхбатдошимиз М. Раҳматов. — Чет эллик инвесторлар ўз бизнесини шу ер билан боғлашга ҳаракат қилади. Хорижлик тадбиркорлар билан сўхбатларда шу гапни кўп айтаман. Ҳозир Ўзбекистонга инвестиция киритишнинг аниқ фурсати, кейин кен бўлиши мумкин. Чунки иқтисодиёт тармоқларида инвестицияга чанқоқлик бор. Бе-восита давлат раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, иқтисодиёт тармоқларида хусусий сектор улушини кўпайтиришга жиҳидий эътибор қаратаётгани шахсан мен учун янги лойиҳалар устида ишлашга катта туртки бўляпти.

Айтиш жоизки, инвестор дастлаб Бухоро, кейин Тошкент вилоятида пахта-тўқимачилик кластерини жорий қилди. Бу йил эса Сурхондарёда замонавий цемент заводини ишга туширди.

Жарқўрғон туманининг Янгибод маҳалласида барпо этилган ушбу завод ўрни яқин-яқингача яйдок жой бўлиб, қум уюмлари ақкам-дуқкам чўл усимликларини айтмаганда, бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бугун эса манзара буткул бошқача. 84 гектар майдонини эгаллаган улкан ишлаб чиқариш мажмуаси худудга ўзгача ҳозиоба бағишлаган. Айниқса, тунда у янада гўзаллашган кетади. Бино-иншоотлардаги сон-саноксиз чироклар ёғдусида бамисоли кўз ўнгингизда машҳур «Титаник» кемаси гавдаланади.

«Сурхонцементинвест» хорижий корхонасининг лойиҳавий қиймати қарийб 144 миллион АҚШ долларига тенг. За-

воқд тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатишга ўтган, йилга 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилиб, унинг 750 минг тоннаси экспорт қилинади. Биринчи босқич доирасида эса салкам 80 миллион доллар ўзлаштирилиб, «М-500» маркали цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Соҳа мутахассисларининг эътирофи этишича, бу корхонанинг афзалликлари кўп. Масалан, у Австрия, Германия, Италия, Россия ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги русумдаги технологик линиялар ва ресурстежамкор ускуналар билан жиҳозланган.

— Заводда цементнинг асосий таркибий хом ашёси бўлган клинкер куруқ усулда тайёрланади, — дейди корхона бош директори ўринбосари Дилшод Аҳмедов. — Яна бир эътиборли жиҳати, бунинг учун табиий газдан эмас, кўмирдан фойдаланамиз. Бу махсулот таннархи турдошлирига нисбатан анча арзон бўлади, деганидир.

Заводнинг 700 кишилик жамоаси на-

қилади. Натижада илгор технологияларни ўрганган замонавий мутахассислар авлоди пайдо бўлади.

Йўлсозлик корхона фаолиятидаги бир йўналиш, холос. Кластер доирасида келгусида 12 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб қилиниб, куруқ куриш аралашмалари, гидратланган оҳак, темир-бетон махсулотлари ҳам тайёрлаш режалаштирилмоқда.

да яқин истиқболда халқаро молиявий ташкилотлар томонидан молиялаштирилган учта халқа йўли, темир йўллар, кўплаб кўприк ва бошқа иншоотлар курилиши инобатга оладиган бўлсак, Афғонистон биз учун катта бозор эканлиги маълум бўлади. Замонавий қувватнинг айнан Жарқўрғонда курилиши замирида эса ўша катта бозорни ўзлаштириш мақсади мужассамдир. Негаки, бу ерда темир йўллар учун шпаллар ва бошқа темир-бетон материаллар ҳам тайёрлаш сый-ҳаракатлари бошланган.

қилишга хизмат қиляпти, — дейди М. Раҳматов. — Айниқса, аграр соҳани бусиз ривожлантириб бўлмайди. Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги пахта-тўқимачилик кластерларимиз фаолияти билан танишиб, ишчи-ҳодимларимиз билан гаплашиб кўринг, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Мисол учун, иш-

Бугунги кунда Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги кластерларда 14 минг нафар киши ишлайди. Қўшимча иш ўринлари яратилиши ҳисобига яқин икки ойда бу кўрсаткич 17 мингга етиши кутуляпти. Натижада давлатга тўланадиган солиқ 13 млрд. сўмга етади.



Йўлсозликдаги илк кластер

Мамлакатимиз жанубидаги мазкур йирик корхона худудда курилиш материаллари sanoatini ривожлантиришдан ташқари, йўлсозликда илк кластер пайдо бўлишига замин яратди.

— Бизнес ривожланиши учун, аввало, инфратузилма, йўл бўлиши керак, — дейди М. Раҳматов. — Аммо асарият жойларда, айниқса, чекка худудларда йўлларнинг хозирги аҳоли кўндалағидек эмас. Уларни яхшилаш учун нима қилиш керак? Қандай йўл яхши бўлади? Урганишларимизга кўра, 20 — 30 сантиметр бетон ва усти 5-6 сантиметр асфальт қопламали йўл — энг яхшиси экан. Фақат қурилишда «М-500» ва ундан юқори марказдаги цемент, шунингдек, каттик шалғалдан фойдаланиш талаб этилади. Бу борада бизда муаммо бўлмайди. Йўлсозлик учун зарур курилиш ашёларининг барчаси шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади. Шағал корхона қошида Франция технологияси асосида тайёрланаётган бўлса, битум кластерга айлантирилиши режалаштирилаётган Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи томонидан етказиб берилади.

Катта бозорга кирамыз

Цемент заводи иш бошлаганига ҳали кўп бўлмаса-да, унинг овозиси қўшни давлатларга ҳам етиб борибди. Бунинг хозирданок ҳамкорлик қилиш, махсулот олиш ниятидаги кўплаб чет эл компаниялари вакиллари ташириб буюраётганидан ҳам илғаш мумкин. Биз ишлаб чиқариш майдонида афғонистонлик тадбиркорлар билан учрашиб қолдик. Муҳаммад Алим улардан бири бўлиб, у меҳнат қилаётган Мозори-Шарифдаги компания курилиш ташкилотларига цемент етказиб беришга ихтисослаштирилган экан.

— Ҳозирги пайтда цементни, асосан, Покистон ва Эрондан олиб келияпти, — дейди у. — Ўзбекистоннинг бизга энг яқин вилоятида шундай махсулот ишлаб чиқарадиган завод фаолият бошлаганини эшитиб, дарҳол йўлга чиқдик. Мана, унинг фаолияти билан танишидик, савдо бўйича музокараларга киришидик. Куруқ кўл билан қайтмоқчи эсимиз. Дастлаб кичик ҳажмда махсулот олиш бўйича келишувга эришмоқчимиз.

Хорижлик мутахассиснинг фикрича, «Сурхонцементинвест» хорижий корхонаси билан ҳамкорлик ўрнатилса, ҳар томонлама ютади. Масофа яқинлиги тўғрисида логистика харажатлари ошиб кетмайди. Махсулот етказиб бериш учун эса поездини қутиб ўтирмасдан, автопоездлардан ҳам бемалол фойдаланса бўлади.

Ўзбекистон томони учун ҳам фойдали жиҳатлар кам эмас. Биргина Кобул-

Манфаатлар уйғунлашса, ривожланиш бўлади

Аваллига пахта-тўқимачилик соҳасида кластерлар пайдо бўлган бўлса, бугун у бошқа соҳаларга ҳам секин-аста кириб бормоқда. Унинг оммалашши сабаби нимада? Афзалликлари қаерда кўзга ташланади?

Мутахассисларнинг фикрича, кластерни ҳамма соҳага татбиқ қилиш керак. Бинобарин, Президент томонидан илгари суриллаётган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулида манфаатлар уйғунлашади. Яъни хом ашё етказиб беришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қиймат яратувчиларнинг барчаси бир жойда бирлашади. Қуриладиган пировард натижадан эса тепадан кўп бўйингача иштирокчиларнинг барчаси бирдек баҳраманд бўлади. Бундай жойда эса ривожланиш кузатилади.

— Лойиҳаларимиздаги дастлабки натижалардан аёнки, кластер мазмун-моҳиятига кўра, халқни фаровон, эли бой



Органик деҳқончилик — навбатдаги марра

Ҳозирги кунга қадар кластер лойиҳалари доирасида пахта толаси ва чигитини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Ҳадемай қувватлар янада кўпаяди. Ахир бир тармоқ бошқа йўналишлар ривожига кенг йўл очаетир. Масалан, чорвачилик йўлга қўйилган, биогаз ва биоғумус олина бошлади.

Лойиҳа ташаббускорининг фикрига кўра, биогаз мўш гушт ва сутни қайта ишлашдан келадиган даро-ишонч ҳосил қилади.

Бундан ҳам кўп фойда беради. Бундай ўғит органик деҳқончиликнинг асосини ташкил этади-да!

Шу жиҳат ҳисобга олинган ҳолда, келгусида минерал ўғит ва кимёвий воситалардан бутунлай холи бўлган органик деҳқончилик йўлга қўйилиши режалаштирилган. Сабаби бу усулда етиштирилган махсулотга талаб ниҳоятда катта. Эҳтимол, оддий қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан жаҳон бозорига кириш қийиндир. Лекин органик махсулотларнинг савдо йўли хозирча очик. Бундан фойдаланиб қолишинг аниқ мавриди келди.

Сўхбатдошимиз ушбу лойиҳаларнинг барчаси икки-уч йил ичида тўлиқ ишга тушиб кетишини айтиди. Бинобарин, Президентимиз гоёси асосида ҳаётга татбиқ қилинаётган кластер ишлаб чиқаришга инновацияларни кенгроқ жалб этиш орқали иқтисодиётини тубдан ривожлантириш, пировардида, жаҳон бозорига рақобатбардор махсулотлар етказиб бериш, аҳоли турмуши фаровон бўлишига хизмат қилади.

Саид РАҲМОНОВ,
Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёғамалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг нусха берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» напирёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» напирёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топшириқди — 23.00

1 2 3 4 5 6